



Салама ибн ал-Акваъ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам (камон) отишда мусобақа қилишаётган Аслам қабиласидан бир неча киши ёнидан ўтдилар ва: «Отинглар эй Бани Исмоил, отангиз мерган бўлган», дедилар (Имом Бухорий ривояти).

Салама ибн ал-Акваъ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам (камон) отишда мусобақа қилишаётган Аслам қабиласидан бир неча киши ёнидан ўтдилар ва: «Отинглар эй Бани Исмоил, отангиз мерган бўлган», дедилар (Имом Бухорий ривояти).

Уқба ибн Омир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни минбарда туриб: «(Эй мўминлар), **улар учун имконингиз борича куч тайёрлаб қўйингиз**» (Анфол: 60) (оятини ўқиб), «Билингларки, куч – (камон) отиштир, билингларки, куч – отиштир, билингларки, куч – отиштир» деганларини эшитганман (Имом Муслим ривояти).

Уқба ибн Омир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни минбарда туриб: «(Эй мўминлар), **улар учун имконингиз борича куч тайёрлаб қўйингиз**» (Анфол: 60) (оятини ўқиб), «Билингларки, куч – (камон) отиштир, билингларки, куч – отиштир, билингларки, куч – отиштир» деганларини эшитганман (Имом Муслим ривояти).

Уқба ибн Омир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ



соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ким отишни ўрганиб, сўнг уни ташлаб юборса, у биздан эмас – ёки осий бўлибди» (Имом Муслим ривояти).

Шарҳ:

Ислом дини куч-қувват йифиш ва сабабларини ҳозирлашга тарғиб қиласиган диндир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жиҳод учун ва мусулмонларнинг мудофааси учун зарурӣ бўлмиш ўқ отишни ўрганишга тарғиб қиласиганлар. Чунки бу мусулмонларнинг куч-қудрат кўринишларидан бир кўринишдир.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам умматни ўқ отишни ўрганишга буюрганлар;
2. Чунки, у куч-қувват сабабларининг энг каттасидан саналади;
3. Ўқ отишни ўргангандан кейин уни ташлаб қўйишдан огоҳлантирганлар.